




ЭКСТРЕМИЗМ БАШАРИЯТ ДУШМАНИ

Каримов Абдумалик Абдумутал ўғли

Мустақил тадқиқотчи

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17902319>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 1-dekabr 2025 yil
Ma'qullandi: 2-dekabr 2025 yil
Nashr qilindi: 11-dekabr 2025 yil

KEY WORDS

терроризм, экстремизм,
жамиyat, давлат, профилактика,
хавфсизлик.

ABSTRACT

Мазкур мақолада экстремизм тушунчаси қонунчилик асослари экстремизмини келтириб чиқарувчи омиллар унинг турлари унинг бугуни формаси ва ижтимоий тармоқлардаги салбий оқибатлар ёритилган.

“Айни вақтда дунёнинг баъзи минтақаларида юзага келган нотинч вазият аҳоли миграцияси кучайишига, бу эса ўз навбатида, терроризм ва экстремизмнинг тарқалишига ҳамда уларнинг глобал муаммолардан бирига айланишига олиб келмоқда. Бундай вазиятда миллий давлатчилигимиз, мустақиллигимиз, аҳолимизнинг тинч ва осойишта ҳаёти ва хавфсизлигимизни сақлаш устувор вазифага айланиб бормоқда”¹.

Мирзиёев Ш.М

Кейинги глобал геосиёсий ўзгаришлар содир бўлаётган бир пайтда экстремизмнинг Ўзбекистон Республикасида тарқалиши муаммоси мамлакатда беқарорликни келтириб чиқарувчи асосий таҳдид сифатида қаралмоқда.

Экстремизм фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилишига, жамият хавфсизлигига, давлат яхлитлигига ва республиканинг халқаро обрў-эътиборига раҳна солади, конституциявий тузумнинг асосларига, миллатлараро ва конфессиялараро аҳилликка реал таҳдид қилади.

Экстремизм тушунчаси ва моҳиятига кўра:

Экстремизм (лот.*extremus* – кескин) бир киши ёки кишилар гуруҳининг сиёсат, дин, фалсафа, фан, иқтисод ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги кескин қарашлар ёки фаолиятини англатади.

Миллий хавфсизликни таъминлаш нуқтаи назаридан, сиёсий, диний ва жамият хавфсизлиги соҳаларида вужудга келадиган экстремистик ҳаракатлар муҳим аҳамият касб этади.

Экстремизм бу ижтимоий воқелик сифатида ижтимоий сиёсий муносабатларда субъектларни жамиятнинг тури ва сиёсий хул атворининг кўринишидир. У жамоатчилик ўртасидаги турли хил даражадаги фикрлар қарама-қаршилиги, ўз вақтида ечилмаган салбий жараёнлар асосида вужудга келган.

Экстремизмни келтириб чиқарувчи асосий омиллар:

¹ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиغا Мурожаатномаси Тошкент шаҳри, 2017 йил 22 декабрь //Parlament.uz.

• ижтимоий-иқтисодий сабаблари (жамиятда жуда бой ва камбағаллар ўртасидаги тафовутнинг ўсиб кетиши; ҳокимият тизимининг обрўсизлантириш ва бошқ.);

- инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг қўпол равишда бузилиши;
- муҳолифат курашларининг қаттиқ бостирилиши;
- алоҳида ижтимоий ва сиёсий гуруҳларнинг ўз мақсадларига тез ва мажбурловчи чоралар билан эришишга интилиши;
- мафкуравий қўпоровчилик таъсири остида жамоатчиликнинг қадрият даражасининг пасайиши.

Экстремизм турлари:

- сиёсий экстремизм;
- миллий (этник) экстремизм;
- диний экстремизм.

Сиёсий экстремизм анъанавий тарзда ўнг ва сўлга бўлинади. Сиёсий экстремизмнинг икала оқими ҳам замонавий инсон ҳуқуқлари доктринаси, буржуа-демократик бошқарувдаги жамиятни тан олмайди ҳамда турли хил кўринишлардаги тоталитар бошқарувга ундайди.

Миллатчилик (этник) экстремизм:

- миллатлараро нифоқ чиқаришга, бошқа миллат вакиллариغا нисбатан тоқатсизликка, кўп миллатли давлатларда *сепаратистик* ҳаракатлар кириб, бошқа (одатда қўшни) давлатларга ҳудудий даъволар кириш билан боғлиқ.

Диний экстремизм диний ақидапарастияк ниқоби остидаги экстремизм алоҳида ҳудудларда вазиятни издан чиқаришга жиддий омиллар бўлиб хизмат қилади. У тегишли оқим ичида ҳам (турли диний оқим вакиллари ўртасида кураш, масалан, ўртача ва ортодоксал) ва ташқарисида ҳам бошқа дин вакиллариغا муросасизликда, таъқид қилишда вужудга келади.

Жаҳон динларидан бирортаси ҳам зўравонликни тарғиб қилмайди. Аксинча издошлари тинчликка ва инсонни севишга чақиради.

Мавжуд муаммолар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки экстремизм:

- ***биринчидан***, жамиятни бошқариш самарадорлигини пасайтириб, давлат ҳокимияти тизимини кўпоради;
- ***иккинчидан***, давлат ва жамият тузилмасини кучсизлантириб жамиятда конституциявий муҳолиф тузилмалар бузғунчи динин гуруҳларининг таъсирини кучайтиради;
- ***учинчидан***, аҳолига ахлоқий-руҳий таъсирни фаоллаштриб тартибсизлик, одамларда бир-бирларига нисбатан шавқатсизликни тарғи қилади ва бошқалар.

Экстремизм ўзининг ўсиш тенденциясига эга бўлиб, қоидага кураш ҳолат қачонки миллатлар ва динлараро қуролли конфликтлар эскалациясида зўрлик ва агрессияни кучайтириш учун қулай муҳитни яратади ва бу жамият ҳаётининг босқичлари ҳамда ўтиш даврида кузатилади.

Шу ўринда, у бки бу иқтисодий, этник, ижтимоий, диний ва бошқа гуруҳлар экстремизмдан ўзларининг ғараз мақсадларини амалга ошириш воситаси сифатида фойдаланиб, уни шундай замонавий атамалар жумладан «миллий-озодлик кураши», «баҳмал инқилоби», «лола инқилоби», «атирга инқилоби» каби билан ниқоблаб ўз ниятларини жамиятда ўтказишга ҳаракат қиладилар.

Экстремистик ташкилотлар ўз мақсадларини амалга ошириш учун замонавий ахборот коммуникацияларидан кенг фойдаланиб, интернет орқали турли тилларда тарғибот олиб бориш ва пухта ишланган стратегия асосида виртуал жамоатлар тузиш асосий вазифага айланмоқда.

Масалан, hozir da bir nechta yirik ekstremistik tashkilotlar ўz saflariga faol tarzda ijtimoiy tarmoqlar orqali asosan 17-35 ёш oraligida бўлган кишиларни ёлламоқда. Бунда психологик таъсир самарадорлигини янада ошириш мақсадида ижтимоий тармоқ аъзоларининг саҳифаларига қўйилаётган расмлар, шарҳ ва изоҳлар ҳамда олиб борилаётган суҳбат мавзуларини пухта ўрганади ва шу асосда “нишон”га олинган шахсга мавзуга оид материаллар интернетнинг Facebook, Odnoklassniki, VKontakte, Telegram, Twitter, WhatsApp каби кенг аудиторияга эга бўлган ижтимоий тармоқлар орқали (ёзма хабар, матн, фотосурат, стикер расмлар, аудио-видео ролик) юборилиб, ўзаро алоқа йўлга қўйилмоқда.

Статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистонда энг кўп юклаб олинаётган дастур ичида Instagramm Facebook, Telegram, Twitter, Odnoklassniki тармоқлари етакчи ўринни эгалламоқда².

Ҳозирда барча давлатлар учун ёшлар онгини деструктив ғоялар таъсиридан асраш ва таъсирини минималлаштириш долзарблигича қолмоқда.

Турли деструктив ғоялар ва унинг оқибатлари билан курашиш, ушбу ғояларнинг асл келиб чиқиш сабабларини ўрганмаслик уларнинг ортиб боришга сабаб бўлмоқда. Ёшлар онгига деструктив ғоялар таъсирини минималлаштириш соҳасида қилинаётган ишлардаги камчиликларни бартараф этиш келгусида Ўзбекистоннинг ёшлар бўйича амалга ошираётган сиёсатини самарали ташкил этишига асос вазифа бўлиб ҳисобланади.

Мазкур муаммони олдини олиш мақсадида мамлакатимизда амалга оширилаётган барча соҳадаги ўзгаришларнинг асосий вазифаси ҳалқимизни турмуш фаровонлигини ошириш, уларнинг ҳаёт даражасини янада юксалтириш, қонунийликни, ҳуқуқ-тартиботни ҳамда фуқароларнинг хавфсизлигини, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилгандир.

2017 йилнинг 19 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида муҳтарам Юртбошимиз жаҳон ҳамжамиятига республикаимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар ҳамда хавфсизликка раҳна солаётган муаммоларга тўхталиб, экстремизм ва терроризм таҳдиди сўнгги йилларда кучайиб бораётганлиги, унга қарши курашишнинг куч ишлатиш йўли ўзини оқламаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Бундан ташқари экстремизмга қарши кураш борасида, замонавий тенденциялар ҳамда хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини инобатга олган ҳолда 2018 йилнинг 30 июль куни Президентимиз томонидан «Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида»ги қонун имзоланди. Ушбу қонун Қонунчилик палатаси томонидан 2018 йил 12 июнда қабул қилиниб, Сенат томонидан 2018 йил 28 июнда маъқулланди.

Шу билан бирга мамлакатимизда жорий йилнинг 3 апрель куни ЎРҚ-469-сонли Қонун билан 2017 йил 9 июнда ШХТнинг Экстремизмга қарши кураш Конвенциясини Остонада қабул қилиш бўйича ратификация қилинди.

Мазкур ишлар энг аввало, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлашга, конституциявий тузумни ва давлатнинг ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг тинчлиги, миллатлараро ҳамда конфессиялараро тотувликни сақлашга қаратилмоқда.

Ўзбекистон экстремизм ва терроризм таҳдидлари ва зарарларини бошидан кечирган мамлакат ҳисобланади. Юртимизда ушбу иллатларга қарши курашиш, унинг сабабларини олдини олиш бўйича жаҳон ҳамжамиятига намуна бўла оладиган даражада ўзига хос тажриба шаклланган.

²15 самых популярных социальных сетей мира <https://ain.ua>

Республикаимизда Президентимиз бошчилигида ҳукуматимиз томонидан экстремизм ва терроризмга қарши кураш борасида жаҳон ҳамжамияти учун намуна бўлиши мумкин бўлган самарали ишлар қаторида қуйидагиларни қайд этиш мумкин:

1. Тўғри йўлдан адашганларни ижтимоий реабилитация қилиш ва уларни соғлом ҳаётга қайтариш мақсадида мазкур шахслар билан кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда тушунтириш-профилактика ишларини тизимли ташкил қилиш, уларни махсус рўйхатдан чиқариш бўйича механизм яратилди. Мазкур механизмнинг самараси сифатида ақидапарастлик ғоялари таъсирига тушган 20 мингдан зиёд фуқароларнинг ички ишлар органларининг махсус ҳисобидан чиқарилиши жамиятда катта ижобий резонанс берди.

2. Ёшларни илм-маърифатга ўргатиш, уларга ислом динининг инсонпарварлик моҳияти, ислом маданиятининг асл қадриятларини етказиш, маърифий ислом таълимоти, буюк аجدодларимизнинг улкан маънавий меросини чуқур ўрганиш, жамиятда диний ва миллий бағрикенглик ва ҳамкорликни мустаҳкам қарор топтириш орқали аҳоли, айниқса, ёшларда ақидапараст ғояларга нисбатан мустаҳкам маънавий ҳимоя қобиғи шакллантириш мақсадида Имом Бухорий ва Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари фаолияти йўлга қўйилди. Самарқандда ҳадис ва калом илми мактаби, Бухорода тасаввуф мактаби, Қашқадарёда ақида мактаби, Фарғонада ислом ҳуқуқи (фиқҳи) илмий мактабларини очиш бўйича ташкилий ишлар ниҳоясига етказилмоқда. Шунингдек, Давлат Раҳбари даражасида республикада мавжуд диний конфессия раҳбарлари билан мулоқотлар уюштирилиб, барча дин вакилларига кенг имкониятлар яратиб берилмоқда.

3. Ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг диний экстремизмга қарши кураш, миллатлараро ва конфессиялараро ҳамкорликни янада кучайтиришга йўналтирилган комплекс тадбирлар дастури қабул қилинади. Ушбу дастур доирасида давлат ва жамоат ташкилотлари, маҳалла йиғинларида, аҳолининг турли қатламлари орасида экстремизм ва терроризм билан боғлиқ таҳдидларнинг олдини олишга қаратилган семинар, учрашув ва давра суҳбатлари ўтказиш йўлга қўйилган.

4. Ақидапарастлик ғоялари тарқалишини олдини олиш учун ОАВ ва бошқа ахборот етказиш воситаларидан самарали фойдаланишга урғу берилмоқда. Хусусан, “Диний экстремизм – келажакка таҳдид”, “Экстремизм ва терроризм – тараққиёт кушандаси”, “Огоҳ бўлинг “Секта”, “Мутаассиб шахснинг психологик хусусиятлари”, “Дин ниқоби остидаги ахборот хуружлари” номли буклетлар тайёрланиб, маҳаллаларга, турли вазирлик, ташкилот ва идоралар орқали аҳолига етказилмоқда.

Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, минтақа ва умуман дунёдаги вазиятнинг мураккаблигига қарамай, мамлакатимизнинг янги ислохотлар ва ривожланиш даврида Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида амалга ошириб келинаётган оқилона ички ва ташқи сиёсат ҳамда халқимизнинг кучли иродаси, меҳнатсеварлиги, бағрикенглиги ва маърифатпарварлиги туфайли мамлакатимизда тинчлик ва барқарорлик таъминланиб келинмоқда.

Шундай экан, юртимизда ҳукм сураётган тинч ва осуда ҳаётни асраш, унинг мустақиллиги ва барқарорлигига муносиб ҳиссамизни қўшиш – ҳар биримизнинг, шу азиз Ватанда яшаётган турли миллат ва дин вакиллариининг энг асосий вазифаларидан бўлмоғи лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш–юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови.– Т.,»Ўзбекистон»,2017.– 48.Б.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябрдаги БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи // Халқ сўзи. –Т., 2017. 20 сен.
3. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 30.07.2018 йилдаги ЎРҚ-489-сон // [хтtps://lex.uz/uz/doss/3841957](https://lex.uz/uz/doss/3841957) муроджаат санаси 24.01.2024 йил
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони “«Ўзбекистон — 2030» стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 11.09.2023 йилдаги ПФ-158-сон [хтtps://lex.uz/doss/6600413](https://lex.uz/doss/6600413)
5. Экстремизм ва Терроризи билан боғлиқ жиноятларга қарши курашнинг ҳудудий методикаси МГ ХТИ .Илмий амалий тавсиялар амалий қўлланма 1156 А.К.Закурлаев
6. Экстремизм ва терроризмга қарши кураш масалалари жамиятдаги тинчлик хотиржамликни таъминлашт гаровидир Received: 17th January 2023 Accepted: 27th January 2023 Online: 28th January 2023 <https://doi.org/10.5281/zenodo.7578709>
190-194 А.Закурлаев

